

8-26-2020

## METHODS OF INCREASING THE QUALITY AND EFFECTIVENESS OF TEACHING THE DISCIPLINE IN HIGHER EDUCATION

Siddiq Qahhorovich Qahhorov

*professor of physics, doctor of pedagogical sciences, BSU*

Otabek Siddikovich Qahhorov

*associate professor of economics, doctor of philosophy in economics(PhD), BSU*

Madamin Abdunabievich Qahhorov

*trainee-researcher, BSU*

Shodiyor Bobirovich Khudoiberdiev

*student BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Qahhorov, Siddiq Qahhorovich; Qahhorov, Otabek Siddikovich; Qahhorov, Madamin Abdunabievich; and Khudoiberdiev, Shodiyor Bobirovich (2020) "METHODS OF INCREASING THE QUALITY AND EFFECTIVENESS OF TEACHING THE DISCIPLINE IN HIGHER EDUCATION," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 4 , Article 13.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/4/13

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss4/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 378.145

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ СИФАТ ВА  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**МЕТОДЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕПОДАВАНИЯ  
ДИСЦИПЛИН В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ**

**METHODS OF INCREASING THE QUALITY AND EFFECTIVENESS OF TEACHING  
THE DISCIPLINE IN HIGHER EDUCATION**

**Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович**

*БухДУ физика кафедраси профессори, пед.ф.д.,*

**Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович**

*БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD),*

**Қаҳҳоров Мадамин Абдунабиевич**

*БухДУ стажёр-тадқиқодчи-изланувчиси,*

**Худойбердиев Шодиёр Бобирович**

*БухДУ талабаси*

**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**

*professor of physics, doctor of pedagogical sciences, BSU,*

**Qahhorov Otabek Siddikovich**

*associate professor of economics, doctor of philosophy in economics(PhD), BSU,*

**Qahhorov Madamin Abdunabievich**

*trainee-researcher, BSU,*

**Khudoiberdiev Shodiyor Bobirovich**

*student BSU*

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасаларда кредит-модуль тизимида фанларни ўқитишда унинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосини масофавий ва мустақил таълим таъкил этиши ёритилган. Ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида ўқитишнинг педагогик технологияларига асосланган масофавий ва мустақил ўқитиш тизимларининг таълим сифатига ахборот технологиялар орқали кириб, у билан чамбарчаслиги кўриб ўтилган. Кредит - модуль тизимининг асосини масофавий ва мустақил ўқитиш таъкил қилиши ва унинг самарадорлигини оширилиши мисоллар орқали курсатилган.

**Таянч сўзлар:** ахборот технологиялари, таълим тизими, масофавий таълим, кредит-модуль тизими, педагогик технологиялар, мустақил таълим, таълим сифати, таълим самарадорлиги, масофавий ва мустақил таълим.

**Аннотация.** В статье рассматривается дистанционное и самостоятельное обучение как основа повышения качества и эффективности преподавания дисциплин в кредитно-модульной системе в высших учебных заведениях. В настоящее время считается, что дистанционные и самостоятельные системы образования, основанные на педагогических технологиях преподавания в высших учебных заведениях, вошли в качество образования через информационные технологии и тесно переплетены с ним. Основой кредитно-модульной системы является организация дистанционного и самостоятельного обучения, и повышение ее эффективности иллюстрируется примерами.

**Ключевые слова:** информационные технологии, система образования, дистанционное обучение, кредитно-модульная система, педагогические технологии, самостоятельное обучение, качество образования, эффективность образования, дистанционное и самостоятельное обучение.

**Abstract.** The article discusses distance and independent learning as the basis for improving the quality and effectiveness of teaching disciplines in the credit-modular system of higher education institutions. Currently, it is believed that distance and independent education systems based on pedagogical technologies of teaching in higher education institutions have entered the quality of education through information technology and are closely intertwined with it. The basis of the credit-

*module system is the organization of distance and independent learning, and increasing its effectiveness is illustrated by examples.*

**Key words:** *information technologies, education system, distance learning, credit-modular system, pedagogical technologies, independent learning, quality of education, effectiveness of education, distance and independent learning.*

Инсоният йигирманчи аср ниҳоясида бир туркум муаммоларга дуч келдиким, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланишига боғлиқ. Таълим, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларига янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Интернет глобал компьютер тармоғини ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишларини очилишига (IT, IQ) технологияларни жорий қилинишига сабаб бўлмоқда. Бу воқелик, ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгаришини, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усуллар идан фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Масофадан ўқитиш давр талабига айланиб таълим тизимини ривожига асос бўлди. Масофавий таълимда таълим олувчи ва ўқитувчи фазовий бир-бирдан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради.

Республикамизда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан масофавий таълимни ташкил қилинишини ва у қандай омилларга боғлиқлигини ўрганиш, унинг фанларни ўқитишда сифат ҳамда самарадорлигини оширишга қандай усуллар таъсирини ўрганиш мақсадида 2002 йилда Малазия давлатига биринчи марта малака ошириш бўйича гуриҳ юборилган эди. Ушбу гуриҳ аъзолари томонидан ОТМда семинарлар ўтказилиб, ОАВда чиқишлар қилиниб, мақолалар ёзилиб масофавий таълимни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш бўйича таклифлар берилган ва йуриқномалар тайёрланган эди[1].

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш коронавирусни кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар тайёрлаш бўйича республика махсус комиссия йиғилишининг 11-сон байонида келтирилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 27 мартда 233 сонли буйруқ чиқарилди. Унга асосан масофавий таълим платформасини яратиш лозим яъни масофадан ўқитиш тизимини яратиш керак. Масофавий таълимни амалга оширишда шу соҳа бўйича малакали мутахассис, етарли моддий техник база ва интернет тизими (телефон, телеграм, сматфон...) компьютер талаб даражасида бўлиши лозим. ОЎМТВ тизимидаги бир қанча олий ўқув юртлари таълим тизимини (2020-2021) ў.й. кредит-модуль тизимида амалга оширади. Бу тизимни асосини масофавий ва мустақил ўқитиш ташкил қилади. Масофавий ўқитишни турли турли шакиллардан (онлайн, вебнет, вебинар, e-learning, дастурлари ва ш.к.) иборат кўринишларда амалга ошириш мумкин.

Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида таълим олувчи интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуриҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуриҳи» таълим олувчилари билан мулоқотда бўлади. Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага муҳрланган видеоматризалар таълим олувчиларга матризаларни тинглаш ва кўриш

имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топширикларни тармоқ орқали тезкор алмашилиш таълим олувчиларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради. Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнига оид айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий таълим - масофавий ўқитишга асосланган таълим.

Масофавий ўқитиш - ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиш усулларига асосланган таълим олувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.

Масофавий ўқитиш тизими - масофавий ўқитиш шартлари асосида ташкил етиладиган ўқитиш тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиш тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига ега.

Масофавий ўқитишнинг педагогик технологиялари - танланган ўқитиш концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиш методи ва услублар мажмуаси.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда таълим тизимида кредит-модуль тизимида олиб борилмоқда. Бунда ахборот коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим усулларида фойдаланилади. Бунинг учун таълим жараёнида моддий-техник баъза етарлича, масофавий таълим платформаси яратилиши зарур ва етакчи мутахассис кадрлар билан талаб даражасида таъминланиши лозим. Шунингдек интернет алоқа ёки мобил интернет бўлиши, унинг тезлиги етарлича бўлиши муваффақиятга мувофиқ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (2020 йил 27 мартдаги 233 сонли) буйруғига асосан ишчи гуруҳ томонидан яратилган йўриқномага асосан электрон ўқув ресурслари ишлаб чилиниб университет расми, веб-сайти, ижтимоий тармоқда эълон қилинди. Жорий йилининг апрель ойидан бошлаб мингдан ортиқ фанлар бир қанча дастурлар оқали moodle платформасига киритилди. БухДУда ZOOM дастури орқали видео кўрсатувлар, онлайн халқаро ва республика миқёсидаги конференциялар ҳамда фалсафа доктории (PhD) ва фан доктори (DeS) химоялари муваффақиятли ўтказилиб келинмоқда. Университетда малака ошириш маркази томонидан ҳам масофадан ўқитишни жори қилиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Малакавий битирув ишлар тақдимотлари яхши ўтказилмоқда[2].

2020/2021 ўқув йилидан республикамизни кўпгина ОЎЮда биринчи курсга қабул қилинган талабалар кредит-модуль тизимида ўқишни давом эттиради. Ўқиш низом ва дастур асосида 40/60 тизимда (40 аудитория соатлари, 60 мустақил таълим соатлари) ўқитилади. Ҳар ўқув жараёнида талаба фанлардан 30 кредит балл, бир ўқув йилида 60 кредит балл йиғиши лозим. Бакалавр таълим йўналишлари 4 йилда 240 кредит балл тўплаши шарт. Магистратурада ўқиганлар 2 йилда 60 кредит балл йиғишлари керак. Бир кредит балл 30-40 академик соатга тўғри келади. Йўналишлар бўйича фанларни ўқитишда мажбурий ва талаба танлайдиган фанлар блокига бўлинади.

Мустақил таълимни амалга оширишда талабалар ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ёки билвосита бошқарувида, у берган вазифа, дарслик асосида индивидуал бажарадиган иши мустақил иш ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил иши ўқув жараёнининг ажралмас қисмидир. Ўқув материалларининг талабалар томонидан мустақил ушлаштирилишини такомиллаштиришмасдан замонавий таълим олдиға қуйилган вазифаларни талаб даражасида бажаришга эришиш лозим бўлади.

Шарқ алломалари ва мутаффақирлари бизға қолдирган манбаларидан ҳаётда шахсни ёшлиқдан мустақил фаолият кўрсатишга алоҳида аҳамият беришган. Киши мустақил фаолияти давомида аниқ режа асосида иш юритади. Масалан у сафарға борганда барча муаммоларни ўзича- ўзи ечади. Шунинг учун мусулмон дунёсида “Мусофир бўлмасанг мусулмон бўлмайсан” деган мақол келиб чиққан. Ҳар бир инсон мусофирликда ўз яшаш жойидан бошқа жойда бўлганда мустақил таълим олгандек барча муаммоларни мустақил ҳал этади. Шу мақсадда болани мустақил таълимға ёшлиқдан ургатиш мақсадға мувофиқдир. Мустақил таълимни оиладан, мактабгача таълимда, умумий ўрта таълимда, ўрта махсус

тизимида, олий таълимда тизимида ва олий таълимдан кегинги таълимда ҳамда ҳаётда иш бошқарувида қўллаш орқали ижобий натижаларга эришишлади. Стақил таълимни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ПФ-4732-сонли фармони, ЎЗР президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» ПФ-5349-сон Фармони, ОЎМТВ нинг 2020 йилдаги 233-сон буйруғи ижроси бўйича ташкил этилаётган ўқув дастурларида албатта мустақил таълим ҳақида устивор вазифалар ўз ўрнини топиши керак;

- талабалар мустақил ишларини самарали бажаришлари учун компьютерлар ва интернет тармоғи билан таъминланишлари зарур;

- талабалар мустақил ишини туғри режалаштирмасдан керакли натижаларга эришиб бўлмайди;

- талабалар мустақил ишларини самарали бажаришлари учун компьютерлар ва интернет тармоғи билан таъминланишлари зарур;

- талабалар мустақил ишини туғри режалаштирмасдан керакли натижаларга эришиб бўлмайди.

Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан олий таълимда талабаларни самарали ўқитишни куз олдимизга келтириш кийин. Ҳозирги давр мутахассисидан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун куп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Талабаларнинг таълим олишда анъанавий ўқитиш усулидан мустақил фаолиятига катта эътибор бериб бориш асосий етакчи ғоядир. Мустақил таълим талабаларга билим беришда бу талабани ўз ҳолига ташлаб қуйиш эмас, балки педагог томонидан мунтазам бошқариладиган талабаларнинг мустақил фаолиятидир.

Талабаларнинг мустақил таълимидан асосий мақсадлар қуйидагилардан иборатдир:

- янги билим олиш усуллари эгаллаш, жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- аудиториядаги машғулотларда олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тартибга солиш;

- меъёрий-ҳуқуқий актлар, маълумотлар ва махсус адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;

- ўқув материалларини мустақил ўрганиш;

- фаоллиги, билим орттириши, ижодий ташаббуси, масъулияти ва тартиблигини ривожлантириш;

- олган билимларини амалиётда қўлай олишни шакллантириш;

- мустақил фикр юритиш, ўз-ўзини ўстириш, ўзининг режасини амалга оширишни шакллантириш;

- тадқиқот қила олиш қобилиятини ривожлантириш.

Мустақил таълимнинг асосий вазифаси талабалар мустақил равишда маълумотлар топиш усули билан билим олишни ривожлантириш, ўқув жараёнига ижодий ёндашишга фаол кизиқишни шакллантиришдан иборат. Талабалар мустақил равишда курс ишлари, курс лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаётганларида қўйилган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, ўзларининг мустақил асосланган фикр ва хулосаларини чиқаришлари керак.

Мустақил таълимнинг самарали бўлиши учун қўйидаги усул ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: кластер, суҳбат, баҳс, тоифалаш жадвали, пинборд, инсерт, «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» жадвали, Т-жадвал, Венн диаграммаси, «Нима учун?», балиқ скелети ва бошқалар[3].

Маъруза дарсларида камида 40 % вақтда талаба мустақил ишлаши керак, бунинг учун маърузани савол-жавоб-мунозара шаклида ташкил этиш лозим, яъни ўқитувчи янги маълумотни нафақат баён этади, балки қўйилган саволларга жавоб излаб топишни



ташкिलाштиради; маърузани савол-жавоб усулида олиб боришда ўқитувчи маъруза давомида бутун курс ёки бўлим бўйича ўқувчиларнинг саволларига жавоб беради; анжуман, маъруза, ўқув дастури доирасида илмий-амалий машғулот сифатида, аввалдан белгиланган муаммо бўйича маъруза ва сўзга чиқишлар эшитилади; машғулот якунида ўқитувчи маълумотларни тўлдиради ва аниқлик киритади; ўқувчиларнинг вақтинча эркин фикр алмашишига рухсат берилади; ўқитувчи маъруза якунида талабаларнинг ташхиси ва қўйилган хатоликлари таҳлили олиб борилади; ўқувчиларга саволлар берилади ва уларнинг жавобларидан фойдаланилади.

Аудиториядан ташкарида бажариладиган мустақил ишлар қуйидаги турларда амалга оширилади:

- маъруза, амалий машғулотлар, семинар ва лабораторияларга тайёргарлик;
- ўқув режадаги фанларнинг маъруза машғулотларида ўрганилмайдиган мавзуларини мустақил ўрганиш;
- интернетдан керакли маълумотларни излаб топиш;
- курс ишлари, курс лойиҳалари, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларни тайёрлаш;
- ахборот-ресурс маркази каталоги орқали мустақил равишда адабиётларни излаш;
- ўқув аудиоёзувларини эшитиш, видео-материалларни кўриш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларни ўрганиш;
- назорат ишларини бажариш;
- мавзулар бўйича докладлар, рефератлар ва эсселар ёзиш;
- семинар ва конференцияларда маъруза қилишга тайёргарлик кўриш;
- амалий машғулотларда берилган масала ва мисолларни ечиш;
- ўқув материалларини тизимли урганиш мақсадида альбом, жадвал, схема, ребус, тестлар ва кроссворд тузиш;
- ўрганилаётган мавзулар бўйича алоҳида талаба ёки бир гуруҳ талабалар кургазмали қўлланмалар тайёрлаши;
- мустақил ўрганилаётган саволларни ўрганилади;
- маърузада олинган билимларни мустақамлаш мақсадида тестлар ечиш;
- ижодий ва илмий ишларни бажариш;
- талабаларнинг илмий жамиятлар ва тугаракларда иштирок этиши;
- танловлар ва олимпиадаларда қатнашиш;
- ўтган амалиёт бўйича ҳисоботлар, талабалар конференцияларига илмий докладлар тайёрлаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларни бажариш;
- жорий, оралиқ ва якуний назоратларга тайёргарлик куриш;
- монографияларни конспектлаш.

Мустақил таълим ва сифат самарадорлигини ошириш учун авваламбор мустақил таълимга ажратилган соат улушини қупайтириш керак. Педагог талабаларни мустақил ишларни бажаришга йуналтириши учун малакасини ошириш лозим, педагоглар мустақил таълимни самарали ташкил этиши ва талабаларни мустақил ишларни бажаришга психологик тайёрлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш туғрисида»ги, «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби туғрисида»ги Намунавий низомда қуйидагилар аниқ белгиланган: талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари; талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари; талаба мустақил ишининг ахборот таъминоти; талаба мустақил ишини назорат қилиш ва баҳолаш[4].

Мазкур Низомда талабалар мустақил таълимни мақсад ва вазифалари, шакллари, ахборот таъминоти, назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари кўрсатиб берилган.

Талабалар мустақил таълимнинг мақсади, вазифалари, ташкил этилиши, бошқариш ва назорат қилиш ҳамда баҳолашни таҳлил қилиш натижасида талабаларнинг мустақил

таълимнинг самарадорлигини ошириш учун кўйидаги хулоса таклифларни беришни мақсадга мувофиқ:

- бакалаврият йуналиши талабаларининг хафталик умумий юкмаси (аудитория ва аудиториядан ташқари) ҳажми 42 соат қилиб белгиланган бўлиб, мустақил таълим 25,2 соатни, яъни 60 %ни ташкил этади. Шунинг таъкидлаб ўтишимиз керакки, фақатгина мустақил соат ҳажмини ошириш билан талабаларнинг мустақил иши самарадорлигини талаб даражасида ошириш мумкин;

- сифатли ўтказилган маъруза талабалар мустақил таълимни бажаришига керакли маълумотлар беради. Бундан келиб чиқадики, талабалар мустақил таълимни бажаришга қаратилган катта эътибор маъруза машғулотларининг ўрнини пасайтирмасдан, аксинча уларни янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқлаб ўтказиш орқали самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир;

- талабалар мустақил таълимни туғри режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолашнинг сунғи ютуқларини чуқур ўрганиш учун педагогларнинг малакасини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда айниқса коронавирус понтемияси бутун дунёни ташвишга солаётган ҳолатда республикамиз олий таълим муассасаларда кридит-модуль тизимида ўқитаётган фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда масофавий ва мустақил таълимнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади ва онлайн тизимида таълимни амалга оширишни асосини ташкил этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Qahhorov S.Q. Ta'lim sifatini oshirishda mustaqil va mastaqil ta'limning o'rni. Buxoro, "Ta'lim sifatini oshirish" bo'yicha onlayn konfrentsiya to'plami. 2020 y. 8-9 may. 6-10 b.
2. Qahhorov S.Q., Rasulova Z.D. Rol distantsionnogo obucheniya v razvitiy tvorcheskix navikov studentov Problemi pedagogiki. Moskva. № 4(49), 2020 god. str. 56-61.
3. Qodirov B. G'. Komil inson tarbiyasining pedagogik asoslari. - T.: Mehnat, 2001.
4. Qahhorov S.Q., Qahorova D.S. Shark allomalarining yoshlar tarbiyasidagi pedagogik-psixologik karashlari. Toshkent, 2014 y. O'zMU ilmiy axborotlari, 3-son, 81-85 b.
5. Sulaymon Dog'an. Baxtli oila - baxtli farzand. - T.: Yurist-media markazi, 2010 y.

УДК: 376.33

### ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

#### ПРОБЛЕМЫ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ СЛАБОСЛЫШАЩИХ ДЕТЕЙ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

#### PROBLEMS AND SOLUTIONS TO INCLUSIVE EDUCATION FOR HEARING IMPAIRED CHILDREN

*Назарова Дилдора Асатовна*

*А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ коррекцион таълимни ташкил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, пед.ф.н., доцент*

*Nazarova Dildora Asatovna*

*head of the department of organization and management, candidate of pedagogical sciences, associate professor A.Avloni IRPTMSPES*

**Аннотация.** Инклюзив таълимнинг ривожланиши илмий, услубий ва маъмурий ресурсларга таъсир кўрсатадиган мураккаб, кўп қиррали жараёндир. Ҳозирги кунда республикамизда инклюзив таълим тизими етарлича ривожланмаган ва бир қатор муаммоларга эга. Муваффақиятли равишда ташкил этилган инклюзив таълим ҳуқуқлар тенглича, ногиронлиги бўлган болаларнинг ақлий ва ижтимоий-маданий ривожланишида олдинга силжисини таъминлайдиган сифатли таълим олишга олиб келиши лозим. Заиф эшитувчи болалар эшитишининг бироз камайиши нутқнинг меъёрда ривожланишига